# ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АСРЛАР ОША ЯШАЙВЕРСИН!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 78 (9824). • 1990 йил 21 апрель • шанба • Баҳоси 3 тийин.

## ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ

*Кеча Москвада В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди*

Қайта қуриш бизга Октябрь йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинни тағин ҳам яқинлаштирди. Биз ўзгартишларнинг қандай бораётганлигини Лениннинг чуқур фикрлари билан текширмоқдамиз. Лениннинг ўлмас асарлари бизни ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам холис баҳолашга, инқилобни яна давом эттириш учун зарур сабоқ чиқариб олишга ўргатади. «Ҳозирги пайт» бизни буюк мутафаккир ва инсоннинг асарлари ва маслаҳатларига қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур этмоқда.

20 апрель куни Москвада ССР Иттифоқининг Большой театрида В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерда пойтахт ва Москва области меҳнат коллективларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, халқ депутатлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучлари жангчилари, Ленин партияси ветеранлари тўпландилар. Чет эллик дипломатлар, хорижий меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Тантанали йиғилишда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов,** СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари ва палаталарининг раислари, СССР Федерация Кенгашининг ва Президентлик Кенгашининг аъзолари, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети комитетларининг ҳамда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети комиссияларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Тантанали йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг аъзоси **Ю. А. Прокофьев** очди.

Совет Иттифоқи Гимни янгради.

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев**нинг «Ленин ҳақида сўзи» зўр эътибор билан тингланди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ билан «Байналмилал»ни куйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).



«В. И. Ленин». Рассом П. Васильев ишлаган расм.

# ЛЕНИН ҲАҚИДА СЎЗ

Ўртоқлар! Даҳоларнинг фазилати шундаки, улар барча замонларда одамларга зарурдир ва ҳар сафар улар фазилатининг янги қирралари намоён бўлади.

Қайта қуриш бизга чинакам Ленинни кашф этди. Шу билан бир қаторда, унинг сиёсий ва назарий мероси, шахсиятининг ўзи бугун яна ғоявий ва сиёсий курашнинг марказида турибди. Қайта қуришнинг социалистик йўли танлаб олинганлиги бунинг кафолатидир.

Ленин социалистик ғоянинг равнақи ва бу ғояни амалга оширишга ноёб ҳисса қўшди. Бу ғоя аср ларзалари, янглишишлар, фожиаларни бошидан кечириб, ҳамон ўзига йўл очиб бормоқда. Ленин бўлмаганида, Октябрь бўлмаганида инсоният тараққиёти ва инсон қадр-қиммати мезонлари тўғрисидаги оламшумул тарихий масалани ҳам ҳозиргидек янгичасига илгари суришнинг иложи бўлмас эди.

Ленин олами ҳудудсиздир, бу олам инсон ҳаётининг барча соҳаларини, барча кўринишлари ва таркибий қисмлари билан жамият ҳаётини, барча синфлар ва ижтимоий қатламлар — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар, ёшларнинг аҳволи, мавқеи ва тақдирини қамраб олади... Бу олам одамларнинг кундалик ташвишларидан тортиб жаҳон сиёсатининг — энг йирик муаммоларигача ҳамма-ҳаммасини қамраб олади. Маънавият негизларидан тортиб давлатдаги қонунчилик ва тартибгача, сиёсий тактика принципларидан тортиб оламшумул жараёнларни фалсафий йўсинда идрок этишгача — буларнинг ҳаммаси ўша олам қамровидадир.

Биз бу оламдан нимани олмайлик, битта нутқда барибир батафсил гапириб бўлмайди.

Эндиликда биз шуни уқиб олдикки, Лениннинг мероси танлаб-танлаб ўрганишни эмас, балки тўла, кенг қамровли, яъни доҳий ижодининг бутун бойлигини ўрганишни тақазо этмоқда.

Шунинг учун ҳам мен Ленин ҳақидаги бугунги нутқимда одатдаги йўлдан бормасликка, яъни ҳар соҳадан бир шингилдан олиб, баъзида доҳийнинг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтирмасликка қарор қилдим.

Ҳозир Ленин тафаккурининг методологияси, ҳар қандай муаммоларга унинг ёндашуви диалектикаси ва Ленин қолдирган тарихий тажрибанинг ўзининг бебаҳо аҳамиятини сақлаб қолаётган бурилиш жиҳатлари биз учун жуда долзарб бўлиб турибди.

Ленин XX асрнинг энг йирик мутафаккири сифатида биз билан биргадир, у ўз замонаси билимининг жуда катта хазинасига эга бўлиб, ижтимоий турмушнинг сир-асрорларига теран назар солди.

Ленин бирор-бир тор, айниқса ғаразгўйлик мақсадларида ҳокимиятдан фойдаланишдан юз ўгирган сиёсатчининг намунаси сифатида биз билан биргадир. У воқеалар ва сиёсий курашнинг ҳар қандай бурилишларида ҳам энг асосий нарсани, яъни халқ манфаатларини назардан қочирмасликка қодир бўлган сиёсатчи сифатида биз билан биргадир.

Ленин мамлакат инқилоб бўсағасига келиб қолиб ундан чўчиб турган, жуда катта, қудратли халқ кучлари бунёдкорлик билан тарихни бойитиш учун майдонга чиққан, аммо шу кучларнинг ўзи бузғунчилик стихиясига айланиб кетиши мумкин бўлган жуда мушкул вазиятда қатъий ва узил-кесил тадбирга шай бўлиб турган инқилобчи намунаси сифатида биз билан биргадир.

Лениннинг тарихга таъсир кўрсатишининг сири унинг ҳаракатга келтирувчи кучларига аниқ баҳо бера олиши ва сиёсатда ҳозирги лаҳзада муқаррар, келажаги бор омилларни қўшиб олиб бориш қобилиятидадир.

Лениннинг сиёсатчи ва назариётчи сифатида тез ўзгариб бораётган вазият шароитларидаги ўтиш даврлари учун диалектик салоҳияти алоҳида қимматга моликдир. Зид омилларнинг жамул-жамини қамраб олиш ва бош

(Давоми иккинчи бетда).

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТ УЧУН

18 апрель куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида ўтган СССР Федерация Кенгаши билан Президентлик кенгашининг қўшма мажлисида мамлакат иқтисодиётини бошқариб туриладиган бозор хўжалиги изига ўтказиш имкониятлари ва йўллари муҳокамаси давом эттирилди.

Мажлисда Н. И. Дементей, Қ. М. Маҳкамов, В. В. Бакатин, Е. М. Примаков, И. А. Каримов, Э. А. Шеварднадзе, В. С. Шевченко, Н. И. Рижков, А. М. Масалиев, В. И. Воротников, В. А. Крючков, Г. Г. Гумбаридзе, Ч. Т. Айтматов, С. С. Шаталин, А. Н. Яковлев, В. Г. Распутин, А. И. Лукьянов, С. А. Ситарян, Г. И. Ревенко, Г. А. Арбатов, Ю. Д. Маслюков, И. Д. Лаптев сўзга чиқдилар.

М. С. Горбачев муҳокамага якун ясаб, шундай деди:

Бўлиб ўтган мунозара мамнуният ҳиссини уйғотади. Бу мунозара назаримда, мамлакатдаги вазиятни ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларини реал баҳолаш, иш истиқболларини аниқроқ тасаввур қилиш имконини берди.

Мен бу ерда сўзга чиққан кишиларнинг тараққиётимизнинг туб масаласини муҳокама қиляпмиз, деган фикрига тўла қўшиламан. Гап Октябрдан кейин содир бўлган энг катта бурилиш тўғрисида бормоқда. Бу ишни биз жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, совет кишиларининг турмуш шароитини яхшилаш йўлида амалга оширмоқдамиз.

Тўғри, ана шу ўтишнинг ўзи осон эмас. у аҳоли турли табақаларининг аҳволига дахл қилади. Шунинг учун ҳам бошқариб туриладиган бозорга ўтиш концепцияси пухта ишлаб чиқилиши, аниқ программага айланиши керак. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш, халққа тушунарли бўладиган қатъий ижтимоий кафолатлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур.

Бундан ташқари ана шу кафолатларни, бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида меҳнаткашлар кўриши мумкин бўлган зарарни қоплашга қодир бўлган қарама-қарши тадбирлар механизми ишлаб чиқилмай туриб, бундай программа мутлоқо жорий этилиши мумкин эмас. Мен ана шу позицияда қатъий турибман.

Аммо, келинг, бугунги иқтисодий вазиятни ўзгартира оламизми, деб ўзимизга савол берайлик. Афтидан, ҳаммамиз бир жойда депсиниб қолиш, туб иқтисодий ислоҳот йўлидан олға бормаслик мумкин эмас, деган фикрга қўшилсак керак.

Бошқарилиб туриладиган бозор хўжалигига ўтиш концепциямиз танлаган йўлимизга, инсонпарвар, демократик социализм сари ҳаракатга мутлақо мос келади. Мазкур концепцияни илгари суриб, биз ўз тараққиётимиз йўналишларини ўзгартирмаймиз. Аммо биз социализм тўғрисидаги тушунчамизни ривожлантирамиз ва чуқурлаштирамиз, социалистик жамият тўғрисидаги кўпгина тасаввурларимизни кескин ўзгартирамиз.

Биз сусткашлик ва иккиланишга йўл қўймаслигимиз керак. Лекин бошқа жиҳат ҳам шу қадар шубҳасиздир. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига бориш йўлида биз ана шу йўналишда қўйиладиган ҳар бир қадамимиз оқибатларини яхшилаб ўйлаб, бир қанча босқичларни босиб ўтишимизга, аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли дастурини ишлаб чиқишимизга тўғри келади.

Иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришни режалаштириб, биз жамиятимизнинг ҳақиқий ҳолатини эътиборга олишимиз керак. Ислоҳотлар программаси миллионлаб совет кишилари томонидан қўллаб-қувватланиб, уларнинг манфаатларига жавоб берган тақдирдагина у муваффақиятга эришишига умид қилиш мумкин.

Шу муносабат билан маънавий-руҳий омилларни ҳам эътиборга олиш зарур. Неча ўн йиллар мобайнида совет кишиларини уларнинг барча муаммолари ҳал этилиши бошлиқларга, энг аввало олий ҳокимиятга боғлиқ, деб ўргатиб келишган. Мамлакат раҳбарияти зиммасига барча ишлар учун — уйжой етишмовчилигидан тортиб маҳаллий қишлоқ магазинида мих йўқлигича бўлган муаммолар учун масъулият юкланади. Одамларимиз психологиясида ўз аксини топган ялпи текисчиликка, ташаббуссизликка ва тайёрга айёрликка интилиш каби ҳолатлар шу билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлатимизнинг федератив структурасини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги туб регионал тафовутларни назарда тутиш зарур. Аҳолининг турмуш даражаси ва манфаатлари ҳамиша ҳам мос келавермайди.

Бироқ, белгиланган ислоҳотларни амалга оширишни қийинлаштирадиган омилларгагина эътиборни қаратиш нотўғри бўлур эди. Мамлакатимиз жуда катта иқтисодий имкониятга, бой табиий ресурсларга, саводли ва билимдон халққа, ривожланган илм-фанга эга. Буларнинг ҳаммаси муваффақият учун замин яратади.

Биз иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш программасини ишлаб чиқар эканмиз, уни рўёбга чиқариш усуллари тўғрисида жиддий ўйлашимиз, ушбу программа, шунингдек унинг айрим қисмлари билан биргаликда бошқарув системасини аниқ-пухта ишлаб чиқишимиз зарур. Бунинг учун биз СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди тасдиқлаган тадбирлар системасини бажариш борасидаги муваффақиятсизликлардан хулоса чиқаришимиз, белгиланган тадбирларни янада чуқур илмий ишлаб чиқиш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, иқтисодчи олимлар, хўжалик раҳбарлари, республикалар, ҳокимият маҳаллий органларининг вакиллари билан кўпроқ маслаҳатлашишимиз керак. Хуллас, катта тайёргарлик ишларини амалга ошириш, бошқариладиган бозорга ўтиш босқичларини аниқ-пухта тушуниб олиш лозим.

Барча соҳаларда олға томон ҳаракат қилиш даркор: ер ислоҳотини қатъият билан амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммосини ҳал этиш, жамиятдаги кайфиятни ўзгартириш зарурлигини ҳисобга олиш керак. Биз иқтисодиётни ва айниқса истеъмол бозорини, жумладан пулнинг қадрсизлигига қарши чораларни барқарорлаштириш, давлат бюджети камомадини қисқартириш соҳасида келгуси йилга мўлжалланган барча тадбирларни бажаришимиз лозим. Шу билан бирга уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида қайғуриш: белгиланадиган тадбирларни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий вазиятни вужудга келтирадиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишимиз даркор.

Ва ниҳоят, биз қайта қуриш муваффақиятидан манфаатдор бўлган барча кучларни бирлаштирмай туриб, олдимизда турган муаммоларни ҳал эта олмаймиз. Бу кучларни шунчаки расмий бирлаштириш эмас, Биз меҳнат коллективлари, жамиятимиз турли табақаларининг, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан арбоблари билан кенг маслаҳатлашиб олиш орқали қўшимча равишда шу ғоят муҳим программани узил-кесил ишлаб чиқишга ёрдам берадиган янги ғояларга эга бўлишимиз зарур.

Хуллас, биз анчагина ишларни амалга оширишимиз: иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида ҳукумат белгилаган тадбирларни рўёбга чиқаришимиз, айни пайтда бозор сиёсатига ўтиш программасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказишимиз, шу мақсадда қонун ҳужжатлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари мажмуасини тайёрлашимиз ва қабул қилишимиз, уларни изчил амалга оширишга киришишимиз лозим.

(ТАСС).



СССР Федерация Кенгаши билан Президентлик Кенгашининг қўшма мажлисида.

Ю. ЛИЗУНОВ ва В. МУСАЭЛЬЯН олган сурат (ТАСС-ЎзТАГ).

## ТАСС ахбороти

Маълумки, СССР Президенти М. С. Горбачев билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Литва ССРда юзага келган аҳвол муносабати билан шу йилнинг 13 апрелида бундай шароитда республика билан иқтисодий муносабатлар ўзгариши муқаррарлиги тўғрисида Литва ССР Олий Совети ва Министрлар Советига хат юборишга мажбур бўлган эдилар. Афсуски, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси К. Прунскене ўзининг 16 апрелдаги телеграммасида мактубда баён этилган таклифларнинг бирортасига ҳам амалий жавоб бермади.

Литва ССР раҳбарияти Литва гражданларини камситувчи гувоҳномалар жорий этишга, ССР Иттифоқи мулкига, шунингдек СССРнинг умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунининг амал қилишига тааллуқли Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш хусусида ҳеч қандай чора-тадбир кўрмаганлигини ҳисобга олиб, нефть етказиб беришни тўхтатиш, шунингдек республикага табиий газ беришни турмуш ва коммунал эҳтиёжларни таъминлаш учун зарур бўлган миқдоргача қисқартириш тўғрисида кўрсатма берди.

СССР ҳукумати СССР Президенти билан СССР Министрлар Советининг Раисининг хатида ўртада қўйилган масалаларга аниқ жавоб кутади, чунки бу масалалар совет кишиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига тўғридан-тўғри ва бевосита тааллуқлидир.

# ЛЕНИН ҲАҚИДА СЎЗ

**(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).**

Биз КПСС XXVIII съезди арафасида турибмиз. Тарихнинг ўзи партия тўғрисидаги масалада ҳам аҳамияти жиҳатидан Ленин раҳбарлигида тузилган «янги типдаги» партияга қиёсан бурилиш зарурлигини тақозо этмоқда. Ҳозир коммунистлар ва бутун жамият қизғин ва танқидий муҳокама қилаётган КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури, Устав лойиҳаси Коммунистик партия тараққиётида принцип жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Масалани бу тарзда қўйиш билан ленинча партия анъаналари ўртасида қандай боғлиқлик бор? Аввало — партия тараққиётининг мамлакатдаги ва дунёдаги объектив вазиятга қараб ўзгаришидир. Биз фақат партия бирлиги тўғрисидаги резолюция муносабати билан эсга оладиган РКП(б) X съездида «Партия қурилиши масалалари хусусида» бошқа резолюция ҳам қабул қилинган эди. Унда «партия ташкилотининг мутлақо тўғри, революцион жараённинг ҳамма босқичлари учун ярайдиган формаси ва, шунингдек унинг мутлақо тўғри иш методлари»нинг бўлиши рад этилган, аксинча, у ерда «ташкилот формаси ва иш методлари муайян тарихий вазиятнинг хусусиятларига ва бу вазиятдан бевосита келиб чиқадиган вазифаларга қараб...» белгиланиши ҳақида гап боради (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981, 2-том, 211-бет).

Гражданлар урушидан кейин тинч давр бошланиши билан партиянинг янги ҳолатга ўтиши, айниқса оғриқли кечди. Буни ҳам тушунса бўлади, чунки партия эндиликда давлат ҳокимиятига, бунинг устига пролетариат диктатурасига асосланган давлат ҳокимиятига қўшилиб кетган эди. Даврнинг хавфлилиги ўткир сезилиб турарди, резолюцияда айтилганидек, партияда «марказлаштириш бу ташкилотнинг бюрократлашишига ва оммадан узилиб қолишига йўл очиб берган эди» (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари, 2-том, 214-бет); Гражданлар уруши чоғида якка ўзи ҳукмронлик қилган партия комиссарчасига ҳаммага буйруқ беришга ўрганиб қолди; зарурий имтиёзлар ҳар хил суиистеъмоллар учун замин бўлиб қолар эди; шу кезда «партия маънавий ҳаёти»нинг заифлашиши бошланди. Ҳуллас, буларнинг ҳаммаси «партиянинг ички кризисига сабаб бўлди». Буларнинг ҳаммаси резолюциядан олинган сўзлардир (Ўша тўплам, 2-том, 214-бет).

Съезд партия ички демократиясини кенг кўламда ривожлантиришни мушкул аҳволдан қутулиш йўли, деб билди. Лениннинг сўнгги асарларидан биз шуни биламизки, у партия оммасини, партия қуйи ташкилотларини жалб этиб, партияга мамлакатдаги янги вазиятга мос келадиган янги қиёфа бахш этиш, ҳалокатли тенденцияларни тўхтатиш усулини зўр бериб қидирди.

Аммо, афсуски, унинг ўзи ана шу режаларни амалга оширишда иштирок этолмади. 20-йилларда партияда зарур ўзгартишлар қилиш керак бўлиб қолганида бу ишни амалга оширишни Сталин ўз қўлига олди. Бу эса партияга ҳам, жамиятга ҳам, социализмга ҳам кулфат келтирди. Қисқа муддат ичида партия аслида буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасининг таркибий қисми ва қуролига айландики, бунинг оғир оқибатлари ҳозир ҳам сезилиб турибди.

Бундан чиқариладиган хулоса шуки, ҳозир партия ички ҳаётида ленинча нормаларни шунчаки тиклаш билан кифояланиб бўлмайди. Бутун мамлакат ҳаётини қайта қуриш беқиёс кенг кўламли вазифани ўртага қўйди.

Жамиятга ошкоралик, ҳуқуқий давлат, сиёсий фикрнинг хилма-хиллиги шароитида фақатгина демократик методлар билан иш кўрадиган, социалистик йўлни танлаб олган авангард партия зарур. Партия ана шу янги шароитларда ишлаш қобилиятига эга бўлибгина инсонпарвар, демократик социализм сари илгарилаб боравеpишда барча ижтимоий қатламларни ва турли миллатларни жипслаштириб, халқнинг кўпчилигини ўзига эргаштириши мумкин.

Оммани ўзи ҳақлигига ишонтириш бобида КПСС улуғ анъаналарга эга. 1917 йилда ана шу партия бир неча ой деганда халқнинг жуда кенг оммаси меҳри ва мададига сазовор бўлди. Халқ большевиклар изидан борганлигини Ленин изоҳлаб берганидек, «Большевиклар моҳирлик билан агитация қилганлари учун халқ уларга эргашгани йўқ... Гап шундаки, большевикларнинг агитацияси тўғри агитация эди». (40-том, 81-бет). Февраль инқилоби мамлакат бошига тушган кулфатлардан сира ташвишланмай, фақатгина ўзининг шахсий даъволари ва сиёсий амалпарастликка интилаётгани билан ажралиб турган анчагина сиёсатдон ва сафсатабозларни сиёсий ҳаёт саҳнасига чиқарди. «Халқ ҳазрати олийлари», «халоскор халқ» деб, ишчилар, деҳқонлар, аскарлар шанига ҳамду-сано айтилиб миллионлаб сўзлар тилга олиндики, ўша халқнинг боши айланиб кетди.

Омманинг сиёсий жиҳатдан камолга етмаганидан фойдаланиб қолишга уриниш ҳамда алдаш, хушомадгўйлик, сафсата, миллионларча ваъдалар, сариқ чақалик садақалар ёрдами билан оммани очиқ-ойдин чалғитишга уринишларнинг (31-том, 179-бет) ҳаммасини Ленин рад этди. «Биз қаллоблар эмасмиз... — деган эди у... ҳамма революцияларни барбод қилган бирдан-бир нарса қуруқ гапдир, революцион халққа хушомадгўйлик қилишдир. Бутун марксизм: революцион гапбозликка учмаслик керак. Бундай революцион гапбозлик айниқса авж олиб кетган пайтда унга учмаслик керак, деб таълим беради (31-том, 122-бет).

Хўш, кейинчи? Февралдан Октябрга қадар, яъни мутлақо ўз эрки билан йўлни танлаб олиш ва жуда кўп партиялар орасидаги ўткир муҳолифлик шароитида большевиклар партияси бир неча ўн минг кишидан юз минглаб кишига ўсди ва неча ўн миллионлаб кишиларга етакчилик қилди.

Оммага таъсир ўтказиш учун кураш олиб бориш уқуви нуқтаи назаридан мамлакат ҳаётидаги ҳозирги бурилиш партиядан худди ана ўшандай сиёсий фаолликни талаб этади. «Мададсиз қолдириб кетишди», «Оломон ихтиёрига ташлаб кетишди», «норасмий ташкилотлардан ҳимоя қилишмаяпти» ва ҳакозо деб арз-дод қилавермай, ким билан рақобат қилишга тўғри келишига қарамай, ўзининг ҳақлилигига халқни ишонтиришдек большевикларга хос санъатни тиклаш лозим ва айни вақтда сиёсий коалициялар ҳамда муросаларга, турли ижтимоий ҳаракатлар билан доимий ҳамкорлик қилишга шай бўлиб туриш керак.

КПСС бошқарув вазифаларидан воз кечар экан, мамлакатдаги ишлар аҳволи учун масъулиятдан холи бўлмайди. Халқ партия тўғрисида шиорлар, ҳаракат дастурлари, қарорлар ва чақириқларгагина қараб эмас, аввало коммунистларнинг меҳнат коллективларидаги, жамиятнинг барча сиёсий, маданий, маъмурий ва хўжалик бўғинларидаги иш сифати ва натижаларига қараб ҳукм чиқаради.

Ўртоқлар! Жамиятда авж олиб кетган мунозаралар партиянинг назарий, мафкуравий негизларига ҳам дахлдор бўлди, Табиийки, **Ленинизм** тўғрисидаги масала ҳам баҳслар майдонига чиқди. Баъзилар бу баҳсни инкор этиш, ҳатто айтиш мумкинки, агрессив позициялардан туриб олиб бормоқдалар.

Ҳозир бу тушунчани аслида Сталиндан мерос бўлиб қолган қабилда калтабинлик, қироатхонлик билан талқин этиб фойдаланишнинг номақбуллиги аёндир. Худди ана шундай талқин ленинизмга манфаатпарастлик билан, баъзан эса ҳаёсизлик билан муносабатда бўлишни юзага келтирди. Назариядан йироқ бўлган аксарият кишилар эса бу таълимот мазмуни хусусида ҳамиша ҳам мулоҳаза юритмай, уни ўзига хос «диний таълимот» деб қабул қила бошладилар.

«Ленинизм» атамасининг ўзи меньшевиклар ўртасида 1917 йилдан анча илгари пайдо бўлган эди. Шуниси диққатга моликки, шу йўсинда Ленин қарашларини марксизмга қарама-қарши қилиб қўйишмоқчи бўлган эдилар. 20-йилларнинг бошларига келиб, Ленин сафдошлари бу тушунчани марксизмнинг ривожланишидаги янги босқични ифодалаш учун қўллай бошладилар. Ленин бунга қарши чиққан эди. Бунинг боиси фақатгина унинг камтарлигида эмас, балки шунда ҳамки. Ленин ҳеч қачон алоҳида, яхлит назарий-фалсафий системани яратдим, деб даъво қилган эмас. У сидқидилдан ўзини Маркснинг шогирди, деб ҳисоблади холос ва ўзининг назарияга қўшган ҳиссасини марксча таълимотнинг фақат бир қисми, деб баҳолади.

Ленинизмсиз XX асрдаги инсоният тараққиётини тўғри тушуниш сира мумкин эмас, назарий ва сиёсий категория бўлган ленинизм тўғрисидаги масалада жуда масъулиятли бўлиш лозим. Ағдариб ташламоқчи бўлаётганларнинг тазйиқига, тарих ва назария соҳасида нодон бўлган одамларнинг тазйиқига берилмаслик керак.

Ленинизм биз учун жонли ва таъсирчан назарий, ғоявий ва маънавий куч-қудрат бўлиб қолаверади. Биз ҳозир Лениндан чинакам сабоқ олишни қайтадан тикламоқдамиз, бу ишни ижодий йўсинда олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу иш жўн бўлмаган ва жўн бўлмайди. Қайта қуриш чоғида ва у келтириб чиқарган мушкул муаммолар муносабати билан биз бу иш билан фаол шуғулланмоқдамиз. Кўпгина ишлар қилинди, аммо КПСС XXVIII съездига тайёргарлик чоғида, съезднинг ўзида ва партиянинг янги программасини ишлаб чиқилаётганда бундан ҳам кўпроқ иш қилиш лозим бўлади.

Биз Ленин маънавий меросидаги барча ўлмас қадриятларга таяниб, замонавий билимларни эгаллаб, инсон ва жамият тўғрисидаги фаннинг энг янги ютуқларини ўзлаштириб **ўз давримизнинг** муаммолари ва даъватларига ўз жавобимизни қидирамиз.

Ўртоқлар! Жамиятимизда социалистик қайта қуриш бирдан-бир оқилона йўлдир. Қайта қуриш — мураккаб, аммо қийинчиликлардан чиқишнинг муқаррар йўли, реал тараққиёт йўлидир. Биз шу йўлдан борар эканмиз Лениннинг ўзимиз ва бутун жаҳон энг янги тарихи тажрибаси ва сабоқлари билан бойиган меросидан баҳра оламиз.

Қайта қуришнинг муваффақияти бутун цивилизация тараққиётида бетимсол қадам бўлади. Қайта қуриш шундай улуғвор ўзгаришлар, аслида инқилоблар даврининг бошланиши бўлиши мумкинки, бу инқилобларнинг усуллари зўравонликсиз, демократик усуллардир, уларнинг натижалари, Ленин орзу қилганидек, дунёни инсониятнинг Ерда яшаши моҳиятига олиб чиқиши мумкин. **(Қарсаклар).**

# ЛЕНИНГА МУРОЖААТ ЭТИБ

*Тошкентда тантанали йиғилиш*

Совет халқи Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 120 йиллигини нишонламоқда. Социализм ҳақидаги, жамиятимизни янгилаш йўллари ҳақидаги замонавий тасаввурларнинг асосий манбаларидан бири Лениннинг ниҳоятда бой ижодий меросида жамулжам бўлган. Пролетариат доҳийси Октябрь революциясидан сўнг ўтган атиги бир неча йил ичида яратган асарларида унинг тафаккури ўз аҳамияти жиҳатдан жуда катта — анъанавий марксистик тасаввурлардан социализмнинг характери, табиати ва бутун қиёфасини мушоҳада этишда жамиятни инқилобий янгилаш тўғрисидаги тасаввурларгача бўлган йўлни босиб ўтди. Ленин ғоялари бугунги кунда ҳам долзарбдир.

20 апрель куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. А. Навоий номли театрда партия ва уруш ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда қатнашган кишилар, зиёлиларнинг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг жангчилари тўпландилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов доклад қилди.

Йиғилишда Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида катта ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги таъкидланди. Марксизм-ленинизм асосчилари таърифлаган социализм идеалларининг чуқур илдизлари бор, бу идеаллар оддий меҳнаткаш инсоннинг яхши турмуш ва ижтимоий адолат хусусидаги орзу ўйларини ифодалайди.

Иқтисодиётсиз сиёсат йўқ — Владимир Ильичнинг бу фикри бугунги кунда ҳам адолатли тарзда янграмоқда. В. И. Ленин социализмда меҳнаткашларнинг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш масалаларига жуда катта аҳамият берган. Революция доҳийси ўз асарларида кооперацияни турли шаклларда ривожлантиришга катта эътибор берган ва унинг ниҳоятда катта имкониятларини таъкидлаган, мулк шаклларининг кўп бўлиши, уларнинг ўзаро мусобақа қилишлари мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирган. Айни вақтда у иқтисодий усулларнинг маъмурий усуллардан афзаллигини чуқур тушунган. У ишлаб чиқариш раҳбарлари олдига катта вазифалар қўйган. Бу — меҳнатни илмий ташкил этиш ва хўжалик ҳисобини жорий қилиш, марказлаштиришни жойлардаги ташаббус билан уйғунлаштириш, шахсий манфаатдорликдир. Владимир Ильичнинг фикрича, булар ишлаб чиқаришни юксалтириши керак. У тижорат муносабатлари ва савдога совет хўжалик ходимларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қараган.

Бугун республикамизда инвестиция сиёсатини, ишлаб чиқариш структураси ва маданиятини ўзгартириш, халқ хўжалигини ривожлантиришда оқилона устунликларни белгилаш, иқтисодиётни аҳоли эҳтиёжига буриб юбориш учун кўп иш қилинмоқда.

Лекин бу ижобий силжишлар жуда суст бўляпти ва ҳозирча амалий натижа бермаяпти. Бунинг устига молия-хўжалик механизмининг умумий номутаносиблиги туфайли иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ривожланиш суръатлари пасаяётганлиги кузатилмоқда, аҳолини иш билан таъминлашдаги кескинлик сақланиб қолмоқда, ижтимоий меҳнат самарадорлиги пасайди, ижтимоий йўсиндаги кўп масалалар ҳал этилмаяпти, нархнинг қимматлашиши ва пулнинг қадрсизланиши тўхтатилгани йўқ, аграр секторда яхшиланиш сари сезиларли ўзгаришларга эришилмади. Юзага келган вазият — социализмнинг ленинча принципларидан чекиниш натижасидир ва ҳозир мамлакатни чуқур тангликдан олиб чиқиш, халқ хўжалиги комплекси барча бўғинларини мустаҳкамлаш, республикалар суверенитетини аниқ-равшан мазмун билан бойитиш, ҳар биримизнинг ҳаётимизни бахтлироқ қилиш учун имкони бор ҳамма ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда социализмнинг ленинча концепцияси миллий масалани ҳал этишдан ва маданий революцияни амалга оширишдан ажралмаслиги таъкидланди. Владимир Ильич миллий масала ишчилар масаласининг бир қисми эканлигини таъкидлаган эди, шу боисдан синфий кураш ва синфий бирдамликнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммоларини ҳал этиш миллий масаланинг моҳиятини олдиндан белгилаб беради.

Бугун миллий маданиятни тиклаш учун кўп иш қилинмоқда. Маданият Ленин тушунчасида чинакам кенг қамровли, чуқур маънавий ва инсоний ҳодисадир. У тор миллий доирага сиғмайди, балки инсоннинг дунёга, жамиятга ва ўз-ўзига муносабатининг барча жиҳатларини қамраб олади: энг оддий ахлоқ нормаларига риоя этиш ҳамда табиатга, тарих ва маданият ёдгорликларига авайлаб-асраб муносабатда бўлишдан тортиб, сиёсий маданиятни, меҳнат ва турмушни ташкил этишнинг илғор шаклларини, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини эгаллаб олишни ўз ичига олади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков иштирок этдилар.

* * *

Ўзбекистон санъат усталари концерт кўрсатдилар.

**(ЎзТАГ).**

## ИЛЬИЧ ҲАҚИДА

«Ленин. Инсон — мутафаккир — революционер» китоби босмадан чиқди. В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган ушбу тўпламга халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоблари, Ватанимиздаги ва чет эллардаги машҳур олимлар, ёзувчилар, журналистлар турли йилларда ёзган ва доҳий Ленин ғоявий меросининг кўп қиррали мазмунини акс эттирган очерклар, мақолалар ва айрим фикр-мулоҳазалар киритилган. Кўпгина материаллар шу вақтгача китобхонларимизга маълум бўлмаган ёки ноёб библиографик ҳужжат ҳисобланади.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти тайёрлаган ва у ўқувчилар кенг доирасига мўлжалланган.

**(ТАСС).**

# Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдги мажлиси бўлди. Уни комиссия раисининг ўринбосари Н. В. Ефимов бошқариб борди.

Марказий сайлов комиссияси 1990 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қайта сайлови якунларини кўриб чиқди. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 48- ва 53-моддаларига тўла мувофиқ равишда 37 та сайлов округида қайта сайлов ўтказилди. 14 округда халқ депутатлари сайланди.

Ҳар бирида иккитадан кўп номзод овозга қўйилган 23 округда номзодларнинг бирортаси ҳам сайланмади, бу округларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ такрорий овоз бериш ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган протоколларни кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддасига асосан 14 та сайлов округидан сайланган барча Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди (рўйхат эълон қилинмоқда).

Марказий сайлов комиссияси мажлислар оралиғида гражданлардан келган хатлар ва аризаларни ҳамда бошқа масалаларни кўриб чиқди.

# ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ УЧУН

*СССР Олий Совети сессиясида*

Депутат В. А. Ополинский 19 апрель куни палаталарнинг қўшма мажлисида сўзга чиқиб, СССР Олий Советининг аъзоларини ижтимоий адолат учун курашчилар, деб атади. Бу таърифни уларга нисбатан ҳамма вақт қўлланса бўлади, лекин бу гал унинг маъноси кун тартиби билан кўп марта кучайди: «СССРда гражданларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунининг иккинчи муҳокамаси бўлди.

Бу муаммо ижтимоий, сиёсий ва ҳатто инсонийлик жиҳатидан нақадар муҳимлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Шуни айтиш кифояки, Қонун лойиҳасини мамлакатда муҳокама қилиш давомида (бу муҳокама Қонун лойиҳаси Кремлда дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, матбуотда эълон қилингандан сўнг бошланган эди) ярим миллиондан ортиқ мулоҳаза ва таклиф тушди. Парламент комитетлари ва комиссияларида, ҳукуматда, ВЦСПСда улар батафсил ўрганиб чиқилди. Мана энди ана шу улкан ишларнинг натижаларини акс эттирган лойиҳа иккинчи муҳокамага қўйилди.

Қонун лойиҳасига киритилган ўзгартишларни шарҳлаб: СССР Олий Советидан — Иттифоқ Совети Меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси Н. Н. Гриценко, ҳукумат номидан — СССР давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетининг раиси В. И. Шчербаков, касаба союзларидан — ВЦСПС секретари Г. Ф. Сухорученкова сўзга чиқдилар. Умумий баҳо қуйидагича: қонун лойиҳаси пенсияларнинг хилма-хил турларига ҳуқуқи бўлган шахсларнинг моддий таъминоти даражасини ошириш томон анча ўзгартириб қайта ишланган, унда турмуш даражаси индексининг ўзгариши, иш ҳақининг ортиши муносабати билан ва қаерда яшашига қараб амалдаги район коэффицентларини ҳисобга олиб пенсияларни ошириш йўли билан пенсионерларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш кафолатлари мавжуд.

Қонунни кучга киритиш биринчи навбатда уруш қатнашчиларининг, шу жумладан ногиронларнинг пенсияларини, шунингдек бошқа тоифадаги пенсионерларнинг пенсиялари энг кам миқдорини оширишга мўлжалланганлиги айтиб ўтилди. Пенсиянинг янги тури — ижтимоий пенсия биринчи марта жорий этилаётганлиги таъкидланди. Бундай пенсиялар маълум сабабларга кўра меҳнат стажига эга бўлмаган гражданларга мўлжалланган.

Қонун лойиҳасига «четдан» берилган баҳони келтириш қизиқарли бўлса керак: Халқаро меҳнат бюроси лойиҳа юзасидан хулоса чиқарди. Унда айтилишича, ҳужжат «умуман совет гражданларига қониқарли пенсия таъминоти бериш нуқтаи назаридан ишонарли ва мақбулдир». Сўнгра Халқаро меҳнат бюросининг хулосасида бозор экономикасига асосланган саноати ривожланган мамлакатларда пенсияга чиқиш шартлари СССРдагига нисбатан унча қулай эмаслиги, чунки кўпгина мамлакатлар пенсия ёшини юқорироқ белгилаганликлари таъкидланади. Равшанки, халқаро меҳнат бюроси бир қанча мулоҳазаларни ҳам айтди.

Аммо депутатларнинг ўзлари ҳаммадан кўп мулоҳазалар билдиришди. Музокарада сўзга чиққан Н. И. Гуцкалов, А. Я. Неумивакин, А. А. Павлий, Э. А. Памфилова ёки сўзга чиқиш учун ёзилган 70 дан ортиқ депутатнинг ҳар бирида лойиҳани тағин ҳам пухтароқ ишлаб чиқишлари учун ўз далиллари бор эди.

Хусусан, иш ҳақининг камлигидан келиб чиқиб, кўп йил олдин пенсия тайинланган кишиларга мадад бериш, бир қанча касбларнинг вакиллари пенсия ёшини камайтириш, шахсий пенсия тайинлаш системасини бекор қилиш, кўп болали онанинг болалар тарбиясига доир меҳнатини ижтимоий фойдали меҳнат деб ҳисоблаш таклиф қилинди.

Танқидий мулоҳазалар билан бир қаторда, минбардан туриб қонун лойиҳасини ёқловчи гаплар кўп айтилди, лойиҳа илғор, ижтимоий, адолатли деб баҳоланди.

Депутатлар пенсияга ҳар қандай қўшимча фақат қоғоз пул билан қўшилишини англаб, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига, бозор товарлар билан тўлишига олиб борадиган жараёнларга ҳар томонлама таъсир ўтказиш ўзларининг бурчи эканлиги ҳақида гапирдилар.

Баъзи депутатлар лойиҳада Қонунни бир неча йил давомида аста-секин кучга киритиш кўзда тутилганига қарши чиқдилар. Уруш ногиронлари учун Қонуннинг қоидаларини муддатидан илгари — Ғалабанинг 45 йиллигигача кучга киритиш тўғрисида таклифлар айтилди.

Палаталарнинг эрталабки ва кечки мажлисларида ҳам маърузалар давом этди.

**Москва**

**В. БЕЗБРЕЖНИЙ,**
**ТАССнинг парламентдаги мухбири.**

# Нефть етказиб бериш тўхтатилди

МОСКВА, 19 апрель. (ТАСС мухбири С. Сахно). Литвага нефть етказиб бериш тўхтатиб қўйилди. Бу воқеани турли министрлик ва идораларда қуйидагича шарҳладилар:

**СССР Нефть саноати министрлиги:** ҳукуматнинг фармойишига мувофиқ кеча 18 апрель куни Москва вақти билан соат 22 дан 30 минут ўтганда Мажейкяй нефтни қайта ишлаш заводига хом ашё юбориш тўхтатиб қўйилди. Бунгача мунтазам равишда кунига 35—40 минг тонна нефть етказиб берилар эди. Ҳар куни етказиб бериладиган нефть ҳатто 2 минг тонна кўпайган пайтлар ҳам бўлган эди. Ҳозир нефть махсус омборларга оқизилмоқда, яқин вақт ичида у бошқа йўналишлардаги қувурларга тақсимланади.

**СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги:** Мажейкяй нефтни қайта ишлаш заводи Болтиқбўйидаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бирдан-бир корхонадир. Бу ердан нефть маҳсулотлари фақат Литвага эмас, шу билан бирга Латвияга, Эстонияга, Калининград областига, Белоруссияга, мамлакатнинг бир қанча бошқа регионларига юборилади. Дизель ёнилғининг бир қисми чет элга чиқарилади. Бугун Мажейкяй заводининг директори корхона ускуналари ярим қувват билан ишлаётганлигини министрликка маълум қилди. 19 апрель куни эрталаб хом ашё запаслари атиги 71 минг тоннани ташкил этди. Бу эса 4—5 кунга етади. Сўнгра завод тўхтаб қолади.

**СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети:** Мажейкяй заводига нефть етказиб бериш тўхтатилганига қарамай қўшни регионлардаги истеъмолчиларни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш ўзгармайди. Нефть қайта тақсимланиб Россия, Украина Белоруссиянинг яқинроқ корхоналарига берилади. Уларнинг қувватлари Литвага нефть етказиб бериш тўхтатиб қўйилиши муносабати билан бу заводларга юбориладиган қўшимча хом ашёни қайта ишлаш учун етарлидир. Бу хом ашёдан олинган нефть маҳсулотлари олдин Мажейкяй заводидан маҳсулот олган корхоналар ва ташкилотларга юборилади.

# СССР Давлат хавфсизлиги комитетида

Совет Иттифоқига сайёҳ сифатида келган Буюк Британия фуқаролари Чарльз—Хэмфри Мейнелл билан Сьюзан Ллойд—Моррис 1990 йил апрель ойи бошларида хорижий кишиларнинг СССР ҳудудида бўлиш ва ҳаракат қилишнинг мавжуд қоидаларини қўпол равишда буздилар. Чарльз—Хэмфри Мейнелл 1954 йилда Хонингхэмда туғилган, Сьюзан Ллойд—Моррис 1950 йилда Лондонда туғилган, уларнинг иккови ҳам «Робертс» фирмасининг ходими.

Уларга берилган ташриф қоғозларига мувофиқ, Мейнелл ва Ллойд—Моррис 4 апрелдан 30 апрелгача бўлган даврда Таллинн, Рига, Ленинград ва Москва шаҳарларига боришлари керак эди. Бироқ улар белгиланган йўлдан четга чиқиб, ғайриқонуний тарзда Вильнюс шаҳрига йўл олдилар. Улар Литва пойтахтида яшайдиган уч киши ҳамроҳлигида Вильнюс ҳаво ҳужумидан мудофаа олий қўмондонлик билим юртининг ўқув маркази жойлашган ерда пайдо бўлдилар, мазкур ўқув юрти шаҳардан анча узоқда жойлашган. Хорижликлар ва уларнинг йўлдошлари ҳарбий иншоот теварагида «Жигули» автомашинасида икки марта айланиб, сим тўсиқлар орқали унинг территориясига кирдилар ва иккита видеокамера ёрдамида у ерда жойлашган ўқув ва жанговар техникани суратга ола бошладилар. Қонунбузарлар қоровул яқинлашиб келаётганини пайқаб, унинг буйруғини рад этиб, яширинишга уриндилар, лекин тревогага биноан чақирилган қоровуллар наряди уларни қўлга олди. Мейнелл ва Ллойд—Моррис кейинги текширишлар вақтида ўзларининг ўқув маркази территориясида пайдо бўлишларини «Ватанга жўнаб кетиш олдидан табиат қўйнида бўлиб, роҳатланмоқчи эдик» деган баҳона билан тушунтирмоқчи бўлдилар. Уларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари тегишли ҳужжатда қайд этилди, видеокассеталар тортиб олинди. Англияликлар ана шу можародан кейин эртасига муддатидан илгари мамлакатимиздан жўнаб кетишга мажбур бўлишди.

СССР Чет эл туризми давлат комитетининг маълумотларига кўра, Ллойд—Морриснинг 1989 йил декабрида Ереванга «табиат қўйнида дам олишга» келганлиги, Мейнелл эса шу йилнинг январида Боку ва Тбилиси шаҳарларида бўлганлиги кишини ажаблантиради.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети шу муносабат билан хорижликларнинг бундай хатти ҳаракатлари давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни ривожлантириш жараёнига кўмаклашмаслигини, совет қонунларини бузувчилар учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлашга мажбур.

## 1990 йил 15 апрелда сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари рўйхати

**Абдуллаев** Раҳматулло, Самарқанд область ижроия комитети раисининг ўринбосари, агросаноат бирлашмаси раиси, КПСС аъзоси, Самарқанд областидаги Қўшкўпир қишлоғи, Самарқанд областидаги 318-Сочакиболо сайлов округидан.

**Бойзоқов** Сайдулла, Ўзбекистон Компартияси Пайариқ район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Пайариқ районидаги Наримонов қишлоғи, Самарқанд областидаги 309-Наримонов сайлов округидан.

**Гамбург** Игорь Адольфович, «Голодностепстрой» ишлаб чиқариш қурилиш бирлашмаси бошлиғи, КПСС аъзоси, Янгиер шаҳри, Сирдарё областидаги 392-Ховос сайлов округидан.

**Ғаффоров** Сотволди, Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози правлениесининг раиси, КПСС аъзоси, Беговот қишлоғи, Наманган областидаги 264-Шаханд сайлов округидан.

**Демик** Николай Кузьмич, Туркистон ҳарбий округи алоҳида бўлими бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент областидаги 76-Ленин сайлов округидан.

**Каримов** Муталибжон Мадаминович, Охунбобоев район кооператорлар кенгашининг раиси, КПСС аъзоси, Марғилон шаҳри, Фарғона областидаги 420-Халқобод сайлов округидан.

**Ниёзматов** Вилор (Омонулло) Раҳматуллаевич, КПСС Марказий Комитетининг газетаси «Советская культура»нинг Ўзбекистон ССРдаги ўз мухбири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 73-Наримонов сайлов округидан.

**Одилов** Оғатой, Тахтакўпир районидаги «Тахтакўпир» совхози директори, КПСС аъзоси, Тахтакўпир посёлкаси, Қорақалпоғистон АССРдаги 485-Тахтакўпир сайлов округидан.

**Полвонов** Отажон, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз бош инженери, КПСС аъзоси, Урганч районидаги Қорамон қишлоғи, Хоразм областидаги 459-Қорамон сайлов округидан.

**Ражабов** Рўзимат, Хива районидаги Беруний номли колхоз правлениеси раиси, КПСС аъзоси, Жўриён қишлоғи, Хоразм областидаги 467-Сайёд сайлов округидан.

**Раҳимов** Насимбек Холиқбердиевич, Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Яйпан шаҳри, Фарғона областидаги 428-Рапқон сайлов округидан.

**Сафаров** Эшдавлат Хўжакелдиевич, халқ депутатлари Сариосиё район ижроия комитети раиси, КПСС аъзоси, Сариосиё районидаги Ленин номли колхоз, Сурхондарё областидаги 358-Узун сайлов округидан.

**Шарипов** Зариф, Ўзбекистон Компартияси Когон район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Когон шаҳри, Бухоро областидаги 174-Транспорт сайлов округидан.

**Холбўтаев** Нурали Қобулович, «Чўлпон» нашриёти директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Фарғона областидаги 425-Бувайда сайлов округидан.

